

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2017.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

КУШИЕВА НОДИРА ҲАБИБЖОНОВНА

ТАЛАБАЛАРГА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА КЛАСТЕРЛИ
ЁНДАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Кушиева Нодира Ҳабибжоновна

Талабаларга инглиз тилини ўқитишда кластерли ёндашув
хусусиятлари 3

Кушиева Нодира Ҳабибжановна

Особенности кластерного подхода при обучения студентов
английскому языку 23

Kushieva Nodira Khabibjonovna

Features of cluster approach in teaching English to the students 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2017.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

КУШИЕВА НОДИРА ҲАБИБЖОНОВНА

**ТАЛАБАЛАРГА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА КЛАСТЕРЛИ
ЁНДАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2020

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Ped796 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.uzswlu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бакиева Гуландом Ҳисамовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳашимова Дилдора Уринбаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Мисиров Соҳибжон Абдупаттаевич
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етақчи ташкилот:

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.08.2017.Fil/Ped.27.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ куни соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 а уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: uzswlu_info@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 а уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: uzswlu_info@mail.ru).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____куни тарқатилди.

(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А. Якубов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси в.б. филол. ф.д., проф.

Х.Б. Самигова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби филол. ф.д., доц.

Л.Т. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, пед.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда турли мамлакатлар ўртасида ўзаро дипломатик муносабатлар, маданий-маърифий алоқалар, савдо-сотик ишлари кўлами инглиз тилини ўрганишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. Жумладан, АҚШ, Россия Федерацияси, Япония, Корея, Англия, Германия каби ривожланган давлатларда турли соҳа мутахассисларининг хорижий тилларда ўз касбий соҳаларида эркин мулоқот юрита олишларига алоҳида эътибор берилган. Европада хорижий тилларни ўқитишни касбий компетенциялар орқали ривожлантириш ва ўқув дастурлари билан уйғунликни шакллантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра таълим йўналишларига мос ҳолда чет тилларни, хусусан, инглиз тилини ўқитишни модернизациялаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёдаги таниқли Массачусетс, Гарвард, Оксфорд, Гёттинген, Дехли университетларида хорижий тилларни кластерли тизим асосида ўқитиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш бўйича тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга моликдир. Шу жиҳатдан касбий ҳамда коммуникатив компетенцияларни ривожлантириш ва таълим тизимини модернизациялаштириш, АҚШнинг Калифорния штатидаги университетларда, Буюк Британиянинг тиббиёт таълим тизимида кластерли ёндашув асосида ўқитиш, ҳамкорлик тадқиқотларини олиб бориш, хорижий тажрибаларни кўллаш, инновацион технологиялардан фойдаланиш заруриятини изоҳлайди.

Мамлакатимизда бугунги кунда иқтисодиётни инновацион ёндашувлар асосида ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда хорижий технологияларни ўрганиш, тажрибалар алмашиш ҳамда хорижий мутахассислар билан ҳамкорликда мутахассислар тайёрлаш масалалари алоҳида аҳамиятга моликдир. «Мамлакатимизда бир неча хорижий тилларни билувчи замонавий кадрлар тайёрлаш, хорижий тиллар бўйича илмий ишлар олиб бориш, тил ўргатиш методологиясини такомиллаштириш»¹ каби муҳим вазифалар белгиланди. Бунда чет тилини шахсга йўналтирилган, коммуникатив компетенцияни эгаллашга мўлжалланган кластерли ёндашув асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш, хорижий тажрибаларни ўрганиш ва чет тилларни пухта ўзлаштирган турли соҳа мутахассисларини тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 5 мартдаги Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани Исоқхон Ибрат номидаги мактаб интернатидаги ташрифидаги нутқи. Электрон ресурс: <http://www.uza.uz/oz/...prezidentimiz-iz-o-kxon-t-ra-ibrat-mazhm>.

иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора тadbирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 октябрдаги «Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида»ги 816-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда хорижий тилни ўқитиш бўйича кўпгина ёндашувлар мавжуд бўлиб, ҳар бир шароит учун алоҳида методлар ва технологиялар таклиф этилади.

Мамлакатимизда хорижий тилларни ўқитиш бўйича Л.Т.Ахмедова, М.Д.Джусупов, Ж.Ж.Жалолов, Т.К.Сатторов, Г.Х.Бакиева, Д.У.Хашимова, Х.Д.Палуанова, Г.Н.Ирмухамедова, С.А.Мисиров, И.М.Тўхтасинов каби олимлар ўзларининг хорижий тилларни ўқитиш бўйича методлари ва ишланмаларини таклиф этишган².

Мустақил ҳамдўстлик мамалакатларида В.Т.Волов, Е.И.Соколова, Л.И.Галимова, Ю.О.Тигина, А.В.Смирнов, Т.Ю.Красикова, Н.В.Екимова олий таълим тизимида хорижий тилни юқори даражада ўқитишнинг самарали моделини ишлаб чиқиш учун, кластер назариясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигини қайд этишган³.

² Ахмедова Л.Т. Роль и место педагогических технологий в профессиональной подготовке студентов. – Ташкент: Фан ва технология, 2009. – 160 с.; Джусупов М. Звуковые системы русского и казахского языков. Слог. Интерференция. Обучение произношению. – Т.: Фан, 1991. – С.240.; Jalolov J. Chet til o'qitish metodikasi. – Т.: O'qituvchi, 1996.-368 б.; Сатторов Т.К. Бўлажак чет тили ўқитувчисининг услубий омил-корлигини шакллантириш технологияси. – Т.:2003. – 51 б.; Бакиева Г.Х. Узбекский язык для стран СНГ. – Москва; МГЛУ, 2012. – 120 с.; Хашимова Д.У. Лингводидактические основы изучения лакун в контексте современного функционирования русского языка и межъязыковых взаимодействий: Дисс. ... докт. пед. наук. – Ташкент: УзГУМЯ, 2007. – 98 с.; Палуанова Х.Д. Инглиз, ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида экологик терминларнинг деривацион-семантик принциплари: Автореф. дисс. ... филол.фан. док. – Тошкент, 2016. – 28б.; Ирмухамедова Гульчехра Насыровна Лингводидактические основы обучения критическому чтению аутентичных текстов (на старших курсах экономических вузов) Автореф. дис. канд. пед. наук. – Т.: 2008. – 42 с.; Мисиров С.А. Касб-хунар коллежларида инглиз тили ўқитишнинг лингводидактик асослари: Автореф. канд. кед. наук. – Т.: 2007.; Тўхтасинов И.М. Таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ҳодисаси асосида ривожлантириш: Автореф. дисс. ... докт. пед. наук. –Ташкент, 2018. -23 б.

³ Волов В.Т. Фрактально-кластерная теория управления образовательными структурами: монография. – Казань: Издательство Казанского гос. ун-та, 2000. – 303 с.; Соколова, Е. И. Термин «образовательный кластер» в понятийном поле современной педагогики // Непрерывное образование: XXI век. Выпуск 2 (6), 2014, DOI. Электронный ресурс : <http://И21.petsu.ru/journal/article.php?id=2371> (мурожаат санаси: 04.02.2018); Галимова Л.И. Образовательный кластер как механизм инновационного развития производственной деятельности // Вестник Казанского технического университета. – 2009. – № 5. – С.; Тигина Ю.О. Научно-образовательный кластер как образовательная среда для обучения профессионально-ориентированному иностранному языку // Современные проблемы науки и образования. – 2014. – № 6.; URL: <http://www.science-education.ru/ru/article/view?id=15765> . (мурожаат санаси: 04.02.2018); Смирнов, А. В. Образовательные кластеры и инновационное обучение в вузе: Монография – Казань: Школа, 2010. – 102 с.; Красикова Т. Ю. Формирование и развитие образовательного кластера как часть механизма интеграции вузовской науки в инновационную национальную систему. URL: <http://www.moluch.ru/conf/econ/archive/10/782/> (мурожаат санаси: 04.02.2018); Екимова, Н. В. Кластерный подход в образовании // Образование и общество. – 2011. – № 5 (70). – С. 74-77.

Хорижий тилни ўқитишда тизимли ёндашувлар ҳамда кластерли тизимга ёндашган ҳолда Англияда G.Dudeneу, Америкада M.Porter, Канадада E.Haugen, Австрияда D.Tatzl, Францияда R.Ljosland, Хитойда X.Liang ва S.W.Smith олиб борган тадқиқотлари натижаларига кўра ўзларининг метод ва технологияларини таклиф этишган⁴.

Қишлоқ хўжалиги таълим йўналиши талабаларига инглиз тилини ўқитишда кластерли ёндашув хусусиятларини ривожлантириш зарурати тадқиқотимизнинг мавзусини белгилаб берди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлари» банди доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади талабаларга инглиз тилини ўқитишда кластерли ёндашув хусусиятларини ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

таълим ва ишлаб чиқариш тизимида кластерли ёндашувлар моҳияти таҳлили ва унинг амалий аҳамиятини тадқиқ қилиш;

нофилологик таълим йўналишларида инглиз тилини ўқитиш ҳолатини таҳлил қилиш;

қишлоқ хўжалиги таълими йўналиши талабаларига инглиз тилини ўқитишнинг ўқув-услубий манбаларини кластерли ёндашувлар асосида такомиллаштириш;

хорижий тилни мутахассисликка мос ҳолда ўрганишга бўлган эҳтиёж таҳлили натижаларига (needs analysis) ҳамда тегишли таълим йўналишларида бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассислари бажара олиши (can-do statements) мумкин бўлган машқлар тизимини шакллантириш;

қишлоқ хўжалиги таълим йўналиши талабаларига инглиз тилини ўқитишда кластерли ёндашувларга асосланган модулли тизимини яратиш, педагогик тажриба-синов ишларида қўллаш ва самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қишлоқ хўжалиги таълим йўналиши талабаларига инглиз тилини кластерли ёндашув асосида ўқитиш жараёни белгиланиб, ГулДУ, ЎзМУ, АҚХИларининг 450 нафар талабалари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети қишлоқ хўжалиги таълим йўналиши талабаларига инглиз тилини кластерли ёндашув асосида ўқитишнинг мазмуни, хусусиятлари, методлари, воситалари.

⁴ Gavin Dudeneу & Nicky Hockly. How to teach English with technology. – England: Pearson Education Limited, 2007. -194 p.; Porter, M.E. On Competition. Cambridge, Mass.: Harvard Business School Press, 1998. 132 p.; Haugen E. Language Contact // Proceedings of the 8th International Congress of Linguists. – Oslo, 2005.; Tatzl, D. English-medium masters' programmes at an Austrian university of applied sciences: Attitudes, experiences and challenges, 2011. // Journal of English for Academic Purposes 10, pp. 252–270.; Ljosland, R. (2010). English as an Academic Lingua Franca: Language policies and multilingual practices in a Norwegian university. Journal of Pragmatics 43, pp. 991–1004.; Liang, X., & Smith, S.W. (2012). Teaching Language and Content: Instructor Strategies in a Bilingual Science Class at a Chinese University. International Journal of Higher Education 1 (2), pp. 92-102.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи қўлланилди: назарий (таҳлилий-статистик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, суҳбат, сўровнома, кузатиш, лойихалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги таълим йўналиши талабаларига инглиз тилини ўқитишда нутқни эгаллаш, мулоқот қилиш, фикрини мантиқан ифодалай олиш каби қийинчиликларни бартараф этишга йўналтирилган методикасининг назарий жиҳатлари кластерли ёндашувлар (мутахассисликка мос ва касбга йўналтирилганлик) асосида такомиллаштирилган;

талабаларга инглиз тилини ўқитишнинг 5 босқичдан иборат (General English; Introduction to the agrarian sphere; Communicating in agroindustrial sphere; Developing agricultural outlook; Integration of education and production) дифференциацион модули таклиф қилинган;

талабалар нутқ фаолияти турларини ривожлантирувчи методик таъминотнинг мулоқотга асосланувчи, ролли ва проектли таълим технологиялари қишлоқ хўжалик мутахассислари, инглиз тили ўқитувчиси ва талабанинг ҳамкорлик интеграциясини шакллантириш орқали такомиллаштирилган;

қишлоқ хўжалиги таълим йўналиши талабаларини инглиз тилига ўқитишда ESP (English for specific purposes) ва кластерли ёндашувларнинг ўхшаш (илмий-назарий маълумотлар), қисман ўхшаш (General English) ва бутунлай фарқ қилиш (касбга йўналтирилганлик ва мутахассисликка мослиги) хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нофилологик таълим йўналиши талабаларига инглиз тилини ўқитишнинг мутахассисликка мос услуб ва усуллари ҳамда инновацион технологияларга асосланган машқлар тизими ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги таълим йўналиши талабаларига инглиз тилини ўқитишда нутқни эгаллаш, мулоқот қилиш, фикрини мантиқан ифодалай олиш каби қийинчиликларни бартараф этишга йўналтирилган методикасининг назарий жиҳатлари кластерли ёндашув асосида такомиллаштирилган;

қишлоқ хўжалиги таълим йўналиши талабаларига инглиз тилини кластерли ёндашувлар асосида ўқитишнинг 5 босқичли модулли тизими ва дидактик таъминоти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланган назарий маълумотлар ва методлар ишончли манбалардан олингани, келтирилган таҳлил ва мулоҳазалар, тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистик методлар воситасида асослангани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кластерли ёндашув асосидаги модулли тизим қўлланилиши коммуникатив компетенцияни ривожлантиришда ҳамда қишлоқ хўжалиги йўналишида инглиз тилини ўқитишнинг касбга йўналитирилганлик ҳолатини такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шу билан аниқланадиги, тил ўргатишни кластерли ёндашувларга асосланган самарали усуллари, машқ ва топшириқлар тизими, методик ва дидактик таъминотидан ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий тадқиқот муассасаларига мақсадли тарзда юқори малакали мутахассислар тайёрлашда, чет тили ўқитиувчилари малакасини ошириш курсларидаги назарий ва амалий машғулотларда ҳамда шу соҳа бўйича ўқув адабиётларининг янги авлодини шакллантиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Талабаларга инглиз тилини ўқитишда кластерли ёндашув хусусиятлари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

кластерли ёндашув (касбга йўналтирилганлик ва мутахассисликка мос) асосида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги аниқланган инглиз тилини ўқитишнинг нутқни эгаллаш, мулоқот қилиш, фикрини мантиқан ифодалай олиш каби қийинчиликларидан Жаҳон Банкнинг Академик Инновациялар фонди гранти асосида AIF-2/1 рақамли «Cluster approach in developing integration of higher education and production: organizing «Educational-scientific complex» in the integrated system of production and Gulistan State University» мавзусидаги лойиҳа режаси бўйича олий таълим ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги асосида мутахассислар тайёрлаш механизмини такомиллаштириш режасини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 сентябрдаги 89-04-1718-рақамли маълумотномаси). Натижада, ОТМ ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги инновацион «Ўқув-илмий комплекс» яратишда нофилологик таълим йўналиши талабаларига хорижий тилларни мутахассисликка мос ҳолда ўқитишнинг стратегик режасини такомиллаштириш имконини берган;

5 босқич (General English, Introduction to the agrarian sphere, Communicating in agroindustrial sphere, Developing agricultural outlook, Integration of education and production) асосида таклиф қилинган талабаларга инглиз тилини ўқитишнинг дифференциацион модулидан Британия кенгашининг EnSPIRe-U лойиҳаси асосида ўтказилган «From Curriculum Development to Classroom Teaching» халқаро илмий-амалий семинар кун тартиби масалаларини муҳокама қилиш асосида хулосалар қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 сентябрдаги 89-04-1717-рақамли маълумотномаси). Натижада, нофилологик таълим йўналишларида мутахассисликка мос ҳолда инглиз тилини кластерли ёндашувлар асосида модулли ўқитиш бўйича «From Curriculum Development to Classroom Teaching» тренингларида ўқув материали бўлиб хизмат қилган;

мулоқотга асосланувчи, ролли ва лойиҳали таълим технологиялари интеграцияси орқали такомиллаштирилган талабалар нутқ фаолияти турларини ривожлантирувчи методик таъминотидан UzTESPING, яъни «Uzbekistan teachers of English for specific purposes integrated networking group» мавзусида амалга оширилган лойиҳа бўйича олиб борилган тадқиқотларда инглиз тилини ўқитиш машқ тизимлари методологиясини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 сентябрдаги 89-04-1716-рақамли маълумотномаси). Натижада, нофилологик таълим йўналишларида инглиз тилини ўқитишнинг методологик асосларини яратиш имконини берган;

қишлоқ хўжалиги таълими йўналиши талабаларига инглиз тилини ўқитишда (English for specific purposes) кластерли ёндашувларнинг аниқланган ўхшаш (илмий-назарий маълумотлар), қисман ўхшаш (General English) ва бутунлай фарқ қилиш (касбга йўналтирилганлик ва мутахассисликка мослиги) хусусиятларидан Британия кенгашининг EnSPIRe-U лойиҳаси асосида амалга оширилган тадқиқотларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 сентябрдаги 89-04-1717-рақамли маълумотномаси). Натижада, нофилологик таълим йўналишларида инглиз тилини ўқитишнинг ESP (English for specific purposes) дастури кластерли ёндашувлар асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий ишлар, жумладан, 8 та илмий мақола, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, шундан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 116 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган ҳамда тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган. Шунингдек, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаларининг қисқа мазмуни баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Чет тили ўқитиш тизимини кластерли ёндашув асосида ташкил этишнинг назарий асослари**» номли биринчи бобида кластер тушунчаси ва унинг ҳаётий жараёнларда ўрин олиш тарихи баён этилган. Биринчи марта кластер терминини фанга Майкл Южин Портернинг 1990 йилда чоп этилган «*Competitive Advantage of Nations*» (New York: Free Press) китобидаги айрим маълумотлар келтирилган. Тизимли ёндашув жиҳатига кўра кластер – бу аниқ бир мақсад асосида фаолият кўрсатаётган, бир-бири билан ўзаро функционал боғлиқ ва ўзаро масъул, ягона тузилма асосида бирлашган ҳар хил тармоқлар субъектларининг уюшмасидир. М.Портер компанияларнинг кластер ичидаги рақобатбардошлиги кўп ҳолларда унинг иқтисодий рақобатбардошлилик жиҳатлари билан аниқланилишини кўрсатиб беради. Кластерлар вертикал интеграцияланган тузилмалардан, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни ташкил этишга инновацион ёндашув, ихтисосликка мос, шунингдек, алоҳида корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ишлаб чиқариш занжири доирасида мослаштирилиши билан фарқланиши тўғрисида адабиётлар маълумотлари Schmitz (1992), Swan ва бошқалар (1996), Elsner (1998), Steiner (2001), Bergman ва Feser (1999), Anderson ва бошқалар (2004), Гусев (2007), Хоменко (2014), Терешин ва Володин (2010), Растборцева ва Череровская (2013), Анисцина (2010), Чудинова ва Будаев (2008), Бурдаков ва Волон (2012), Пономарева (2010, 2011), Волон (2000) ва бошқаларнинг тадқиқот натижалари асосида таҳлил қилинган.

Кластерли ривожлантириш омиллари сифатида таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграцияси тизимида хорижий тилни, жумладан, инглиз тилини ҳар бир йўналишга мос ҳолда ўқитиш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисида хулоса қилинган. Шунга кўра таълим жараёнида кластерли ёндашувларнинг самарадорлик кўрсаткичлари алоҳида қайд этилган.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, олий таълим тизимида хорижий тилни юқори даражада ўқитишнинг самарали моделини ишлаб чиқиш учун, кластерли-тизим назариясидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Диссертациянинг «**Нофилологик таълим йўналишларида инглиз тилини кластерли ёндашувлар асосида ўқитиш хусусиятлари**» номли иккинчи бобида малакавий талаб, инглиз тилини ўқитиш бўйича намунавий ва ишчи ўқув дастурлари таҳлил қилинган. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, деярли барча нофилологик таълим йўналишлари учун ишлаб чиқилган малакавий талабларда битирувчи талабалар учун хорижий тилни билиш даражаси бўйича критериялар белгиланмаган.

Нофилологик таълим йўналишларида жами 378 соат ҳажмда инглиз тилини ўргатиш амалий тарзда машғулотлар ўтказилиб, шундан 234 соат аудитория машғулоти, 144 соат мустақил таълимни ташкил қилади. Амалиётда фойдаланаётган намунавий ўқув дастури барча таълим йўналишлари учун бир хил. Намунавий ўқув дастурида белгиланган 378 соатлик ўқув юкмасида машғулотлар давомида талабаларга нималарни ўргатиш, қанақа кетма-кетлик ёки босқичда мутахассислигига мос тил билиш кўникмасини ҳосил қилиш тартиби ишлаб чиқилмаганлиги аниқланган. Гарчи

талабаларнинг танлаган таълим йўналишлари бўйича етук ва рақобатбардош мутахассис кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ ҳолда хорижий тил(лар)ни эгаллаш вазифаси қўйилган бўлсада, хорижий тилни ўқитиш бўйича ўқув дастурларида бу ҳолат ўз аксини топмаганлиги аниқланди (1-жадвалга қаранг):

1-жадвал.

Қишлоқ хўжалиги таълими йўналишларининг 4 семестрида инглиз тилини ўқитиш ҳолати

№	Машғулотлар давомида ўтиладиган мавзулар	Жами соат	Амалий	Мустақил таълим
1.	Holidays and Hobbies	10	6	-
	University of Cambridge		-	4
2.	Research issues	10	6	-
	The British Museum		-	4
3.	Hotels	10	6	-
	Libraries		-	4
4.	Appearance and Character	10	6	-
	Using the earth as a power station		-	4
5.	Professions	10	6	-
	Traffic in future		-	4
6.	Top research results	11	6	-
	Before the Congress		-	5
7.	Review	2	2	

Жадвалдан маълумки, инглиз тилини ўқитишда белгиланган мавзулар талабаларнинг таълим йўналишларига мос эмас: масалан, «University of Cambridge» мавзуси талаба учун умуман мавҳум. Чунки талаба Кембридж университетини кўрмаган, уни тасаввур қила олмайди. Келгусида фаолиятини қанчалик даражада ушбу университет билан боғлаши номаълум. Бунинг ўрнига мутахассислигига оид мавзу қўйилса, талабага тушунарли бўлади ва ушбу мавзу бўйича хорижий маълумотларни ўрганишга ҳаракат қилади.

«The British Museum» мавзусининг қўйилиши ҳам қишлоқ хўжалиги таълими йўналиши талабалари учун тегишли тушунча ҳосил қилиш имконини бермайди. Қишлоқ хўжалиги йўналишида таҳсил олаётган талаба Британиянинг музейини тасаввур эта олмайди ва уни кўрмаган. Бунинг ўрнига қишлоқ хўжалиги соҳасига оид мавзунинг қўйилиши, талабанинг танлаган соҳаси бўйича тегишли маълумотга эга бўлиш имконини беради. Шу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Қилинган таҳлиллар асосида нофилологик таълим йўналишлари учун таълим йўналиши ва мутахассислик талабларидан келиб чиққан ҳолда намунавий ва ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда ҳар бир таълим йўналишлари учун ўқув қўлланмалари ва машғулотлар мажмуасини яратиш зарурати бўйича ҳулосалар қилинган.

Диссертациянинг «**Қишлоқ хўжалиги таълим йўналиши талабаларига инглиз тилини кластерли ёндашувлар асосида ўқитиш тажрибаси ва самарадорлик кўрсаткичлари**» номли учинчи бобида олиб борилган тадқиқот ишлари, тажриба-синов натижалари ва уларнинг таҳлили баён этилган. Олиб борилган тадқиқотлар асосида тажриба-синов ишлари ЎзМУ Биология ва

Тупроқшунослик факультетининг тупроқшунослик таълим йўналишида, ГулДУ табиий фанлар факультетининг Агрономия таълим йўналишида, АҚХИ Ўсимликшунослик таълим йўналишларида олиб борилган.

Тажриба-синов ишлари олиб боришдан олдин талабаларнинг инглиз тилини билиш кўрсаткичлари уларнинг саволларга берган жавоблари асосида таҳлил қилинди. Саволларга жавоб олиш учун 136 нафар талабалар жалб қилинди. Бунда ушбу тузилган саволлардан фойдаланилди: 1) Инглиз тилини қандай даражада биласиз? 2) Инглиз тилини ўрганишга қизиқишингиз? 3) Инглиз тили машғулотлари сизни қониқтирадими?

«Инглиз тилини қандай даражада биласиз?» мазмундаги саволга


а) эркин мулоқот қила оламан, деган жавобни ЎзМУнинг 46 нафар талабаларидан 4 нафари (8,7%), ГулДУнинг 52 нафар талабаларидан 3 нафари (5,8%), АҚХИнинг 38 нафар талабаларидан 1 нафари (2,6%) белгилашди.

б) луғат ёрдамида таржима қиламан, деган жавобни ЎзМУнинг 46 нафар талабаларидан 8 нафари (17,4%), ГулДУнинг 52 нафар талабаларидан 8 нафари (15,4%), АҚХИнинг 38 нафар талабаларидан 5 нафари (13,2%) белгилашди.

с) тушунаман, лекин гапира олмайман, деган жавобни ЎзМУнинг 46 нафар талабаларидан 21 нафари (45,7%), ГулДУнинг 52 нафар талабаларидан 23 нафари (44,2%), АҚХИнинг 38 нафар талабаларидан 15 нафари (39,5%) белгилашди.

д) умуман ҳеч нарса билмайман, деган жавобни ЎзМУнинг 46 нафар талабаларидан 13 нафари (28,3%), ГулДУнинг 52 нафар талабаларидан 18 нафари (34,6%), АҚХИнинг 38 нафар талабаларидан 17 нафари (44,7%) белгилашди. Худди шунга ўхшаш ҳолда иккинчи, учинчи ва бошқа саволларга талабалар белгилаган жавоблари таҳлил қилинди.

Талабаларни инглиз тилини билиш кўрсаткичлари ҳамда ўтказилаётган машғулотлар асосида тилни ўзлаштириш ва ўрганишга бўлган қизиқишлари ўртача 18%ни ташкил этиши аниқланди (1-расмга қаранг):



1-расм. Қишлоқ хўжалиги таълими йўналиши талабаларининг (1-2 босқич) инглиз тилини билиш даражалари (ДХ - дастлабки ҳолат)

Ушбу ўтказилган таҳлил натижаси асосида талабаларга инглиз тилини ўқитиш бўйича ўтказиладиган машғулотлар таълим йўналиши ва мутахассислик талабларидан келиб чиққан ҳолда кластерли ёндашувлар асосида ташкил қилиниши бўйича тадқиқотлар режаси ишлаб чиқилди. Бунинг учун талабалар ва нофилологик таълим йўналишларида чет тили бўйича

машғулотлар ўтказётган ўқитувчилар орасида анкета сўровлари ўтказилди. Сўровномада жами 492 нафар респондент (42 нафар ўқитувчи, 450 нафар талаба) иштирок этди. Анкета сўровномалари талабалар учун алоҳида, ўқитувчилар учун алоҳида тузилган сўровномалар асосида ўтказилди. Талабалар орасида анкета сўровномалари тажрибалар бошланишидан олдин ва тажрибалар натижаларини таҳлил қилиш давомида ўтказилди.

Биринчи босқичда (2017 йилнинг иккинчи ярми, 2017-2018 йй.) тадқиқот иши мавзусига доир дидактик, илмий-методик адабиётлар, ўқув-услубий таъминот ўрганилди. Қилинган дастлабки хулосалар асосида тажриба ва назорат гуруҳлари шакллантирилди ва кластерли ёндашувларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган машқлар ушбу тажриба гуруҳларида олиб борилди. Назорат гуруҳларида эса амалдаги дастур бўйича дарслар олиб борилди.

1-саволга («Кластер» ҳақида эшитганмисиз ва у ҳақида маълумотга эгамисиз?) 261 нафар (58%) талаба «йўқ» деб, 144 нафар (32%) талаба ҳа, ишлаб чиқаришда кластер ҳақида эшитганмиз деб, 45 нафар (10%) кластер ҳақида эшитганмиз, лекин қайси соҳаларда қўлланилиши тўғрисида маълумотга эга эмасмиз, деб жавоб беришди.

2-саволга (Ишлаб чиқаришда кластер ҳақида эшитганмисиз?) 148 нафар (33%) талаба «ҳа» деб жавоб беришди, 253 нафар (56%) талаба «йўқ» деб, 49 нафар (11%) талаба жавоб беришга қийналди.

3-саволга (Таълимда кластерли ёндашув ҳақида эшитганмисиз?) 13 нафар (3%) талаба «ҳа» деб жавоб беришди, 405 нафар (90%) талаба «йўқ» деб, 32 нафар (7%) талаба жавоб беришга қийналишди.

4-саволга (Инглиз тилини ўқитиш ва ўрганишда кластерли ёндашувни қўллаш бўйича қандай маълумотга эгасиз?) 90 нафар (20%) талаба «ҳа» инглиз тилида кластер методидан фойдаланган ҳолда машғулот ўтилиши ҳақида маълумотга эгамиз деб, 319 нафар (71%) талаба «йўқ» деб жавоб беришди, 41 нафар (9%) талаба жавоб беришга қийналишди.

5-саволга (Инглиз тили машғулотлари Сиз таҳсил олаётган йўналишга мосми?) 363 нафар (80%) талаба «йўқ» деб, 32 нафар (7%) талаба «ҳа» деб жавоб беришди, 55 нафар (12%) талаба жавоб беришга қийналишди.

Иккинчи босқичда (2017-2018 йй) объект сифатида белгилаб олинган ОТМларнинг қишлоқ хўжалиги таълим йўналиши талабалари учун кластерли ёндашувга асосланган машқ ва топшириқлар тизими ишлаб ишлаб чиқилган ва тажриба-синовдан ўтказилган. Тажриба ва назорат гуруҳлари шакллантирилди. Тажриба-синов ишларида 1, 2 ва 3 босқич талабаларидан 450 нафар талабалар қамраб олинди. Шулардан 228 нафари тажриба гуруҳларида ва назорат гуруҳларида 222 нафари иштирок этишди.

Учинчи босқичда (2018-2019 йй) олинган натижалар умумлаштирилиб, талабаларнинг инглиз тилини мутахассисликларига мос ҳолда ўзлаштирганлик ҳолати бўйича 2017-2018, 2018-2019 ўқув йиллари учун тажриба-синов олди ва тажриба-синов якуни бўйича натижалар умумлаштирилди ҳамда баҳолаш мезонларига кўра баҳоланди.

Тадқиқотларимиз давомида қишлоқ хўжалиги таълими йўналиши талабаларига инглиз тилини 5 та босқичга асосланган модулли тизими ташкил этилди: инглиз тилида мулоқот қилиш (General English); мутахассислик бўйича манбаларни инглиз тилида таърифлаш (Introduction to the agrarian sphere); мутахассислиги бўйича фикрини айта олиш ва мулоқот қилиш (Communicating in agroindustrial sphere); қишлоқ хўжалиги бўйича хорижий манба ва технологиялар ҳақида инглиз тилида баён қилинган манбалардан маълумотлар олиш (Developing agricultural outlook); соҳа янгиликлари ва технологиялар ҳақида инглиз тилида маълумотлар бериш (Integration of Education and Production).

1-модул: General English. General English нофилологик таълим йўналиши таълим йўналиши талалбаларининг 1-босқич, 1-семестрида инглиз тилини ўқитишдаги дастлабки модулдир. Олиб борилган тадқиқотлар давомида General English модули қишлоқ хўжалиги таълими йўналиши талабаларининг профессионал ва профессионал бўлмаган вазиятларда коммуникатив кўникмаларини ривожлантириш, интервью, суҳбат, телефон сўзлашувлари ва турли хил матнларни ўқиш, оддий иловалар яратиш орқали мулоқот кўникмаларини ривожлантиришга қаратилди. Ушбу модул бўйича олиб бориладиган машғулотлар учун жами 126 соат вақт ажратилган бўлиб, шундан 78 соат аудитория соати, 48 соат мустақил таълимни ташкил этади. Машғулотлар учун ишлаб чиқилган машқ ва торшириқлар тизими тажриба майдонларида ажратиб олинган гуруҳларда синовдан ўтказилди. Натижалар назорат гуруҳлари билан солиштирилиб, кўрсаткичлар таҳлил қилинди (2-жадвалга қаранг):

2-жадвал.

General English (Умумий инглиз тили) бўйича ривожлантирилган кластерли ёндашув даражаси

Тажриба-синов майдонлари	ТГда олинган натижалар (%)	НГда олинган натижалар (%)
ЎзМУ	50	30
ГулДУ	40	30
АҚХИ	20	20

Шунга кўра мазкур модул ва унда белгиланган мавзулар ҳамда машқлар умумий инглиз тилини ўрганишга қаратилди.

2-модул: Introduction to the agrarian sphere. «Introduction to the agrarian sphere» модули инглиз тили машғулотлари учун мавзулар таълим йўналишида ўқитиладиган фанларнинг ўқув дастурлари асосида тузилди (3-жадвалга қаранг):

3-жадвал.

«Introduction to the agrarian sphere» бўйича ишлаб чиқилган мавзулар

Таълим йўналиши фанларида	Инглиз тили машғулотлари бўйича танланган мавзулар	Соат
---------------------------	--	------

	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	Аудитория	Мустақил таълим
Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш	Development of agriculture	Theatre	10	6
Тупроқ, сув ва ўсимлик	Soil, water, seeds	British museum	8	4
Ўсимликларни парваришлаш	Plant growth	Library	8	6
Ўсимлик маҳсулотлари	Plant products	Great Britain	6	4
Ҳайвонот дунёси	Animal products	Mark Twain	4	4
Ҳайвонот дунёси маҳсулотлари	Animal grain	Sport	6	4
Ҳайвонларни парваришлаш	Animal health	Health	6	8
Ўсимлик ва ҳайвонлар касалликлари	Weeds, pests and disease	Holidays	10	4
Фаслий ривожланиш	Growing seasons	My profession	8	4
Ҳосилдорлик	Harvest	Cambridge university	10	4
ЖАМИ			78	48


Мавзуларни танлашда фан ўқитувчилари билан мавзулар муҳокама қилинди. Ушбу мавзулар асосида машғулотлар ўтиш жараёни талабаларнинг кўпроқ қизиқишига сабаб бўлди. Бунда талабалар учун ҳам таҳсил олаётган таълим йўналишида ўқитилаётган фанлардан маълумотларни такрорлашлари асосида инглиз тилида тез ва осон ўзлаштиришларига сабаб бўлди. Қишлоқ хўжалиги таълим йўналиши талабаларига ўзларининг мутахассислигига мос ҳолда тил ўқитилиши инглиз тилини осон ўзлаштирилишига сабаб бўлди (4-жадвалга қаранг):

4-жадвал.

«Introduction to the agrarian sphere» модули бўйича талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи


Тажриба-синов майдонлари	ТГда олинган натижалар (%)	НГда олинган натижалар (%)
ЎзМУ	80	50
ГулДУ	70	50
АҚХИ	70	40

